

**ТТА офтальмология кафедраси  
профессори Бахритдинова Ф.А. Республика  
ихтисослаштирилган хирургик ангионеврология маркази  
билан ҳамкорликда Андижон шаҳрида ўтказилган  
“Бош мия сурункали қон айланишининг бузилиши”  
мавзусидаги амалий семинарда иштирок этди.**

18 январ куни Андижон шаҳрида Республика ихтисослаштирилган хирургик ангионеврология маркази ташаббуси билан “Бош мия сурункали қон айланишининг бузилиши” мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди. Семинарда Тошкент тиббиёт академияси офтальмология кафедраси профессори Бахритдинова Ф.А. ва ходимлар иштирок этди. Семинар Андижон шаҳрининг марказида жойлашган Тадбиркорлар палатасининг мажлислар залида ўтказилиб, тадбирга Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларидан қон томир жарроҳлари, невролог, офтальмолог ва УТТ текшируви билан шуғилланадиган шифокорлар ҳамда умумий амалиёт шифокорлари таклиф этилди. Семинар давомида Андижон вилоятлари Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, Республика ихтисослаштирилган хирургик ангионеврология маркази директори академик Каримов Ш.И. ва ТТА офтальмология кафедраси профессори Бахритдинова Ф.А. маъруза билан иштирок этдилар. Анжуман давомида марказ директори академик Каримов Ш.И. “Бош мия қон айланишининг сурункали бузилишини бутун дунёдаги ва Ўзбекистондаги ҳолати” бўйича маъруза ўқидилар. Маъруза давомида марказнинг узок йиллик тажрибаси ва натижалари кўрсатилди. Офтальмология кафедраси профессори Бахритдинова Ф.А. “Кўз ишемик касаллигини ташхислаш” мавзусида маъруза ўқидилар. Маъруза давомида уйқу қон томирлари зарарланиши натижасида кўрув аъзосида бўладиган эрта ўзгаришлар ва бу белгиларни бош миянинг ўткир қон айланишини бузилишини эрта ташхислашдаги ўрни бўйича маълумотлар бердилар. Анжуман якунида



кафедраси профессори Бахритдинова Ф.А. “Кўз ишемик касаллигини ташхислаш” мавзусида маъруза ўқидилар. Маъруза давомида уйқу қон томирлари зарарланиши натижасида кўрув аъзосида бўладиган эрта ўзгаришлар ва бу белгиларни бош миянинг ўткир қон айланишини бузилишини эрта ташхислашдаги ўрни бўйича маълумотлар бердилар. Анжуман якунида

офтальмологлар билан суҳбатлар ўтказилди. Уларга амалий кўрсатмалар берилди. Бундан ташқари, марказ неврологи Ахматов О.М. ва қон томир жарроҳлар маъруза ўқидилар. Амалий семинарнинг иккинчи қисмида профессор Бахритдинова Ф.А. Андижон вилоят кўз касалликлари шифохонасида офтальмологларига “Кўз ишемик синдромида ташхислаш” бўйича мастер-класси ўтказдилар ва сертификатлар тарқатилди.



**РЎЙХАТДАН ЎТИШ – 09:00**  
**АНЖУМАН ОЧИЛИШИ – 10:00**

**ТУШЛИК – 13:00-14:00**  
**МАСТЕР КЛАСС – 14:00-16:00**

1. Сурункали бош мия қон айланиши етишмовчилигининг бутун дунёдаги ва Ўзбекистондаги ҳолати.  
*РХАИМ директори, академик Каримов Ш.И.*

2. Сурункали бош мия қон айланиши етишмовчилигининг Андижон вилоятидаги ҳолати.  
*Андижон вилояти Соғлиқни Сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи Абдурахмонов А.Х.*

3. Уйқу артериялари, коронар ва оёқ артериялари қўшма атеросклеротик шикастланишида ёндашувлар.  
*ТТА 1-сонли факультет ва госпитал жарроҳлик кафедраси доценти, т.ф.д. Ирназаров А.А.*


4. Бош мия қон айланиши ўткир бузилиши профилактикасини долзарб муаммолари.  
*РХАИМ неврологи, т.ф.н. Ахматов О.М.*

5. Куз ишемик синдроми диагностикаси.  
*ТТА офтальмология кафедраси профессори, т.ф.д. Бахритдинова Ф.А.*

6. Дуплекс ва МСКТА текширувларини сурункали бош мия қон айланиши етишмовчилигида аҳамияти.  
*РХАИМ директор ўринбосари, т.ф.н. Юлбарисов А.А.*



Ишемик инсультни олдини олиш учун сурункали бош мия қон айланиши етишмовчилиги мавжуд бўлган беморларни дуплекс текширувидан ўтказиш техникаси, аҳамияти ва долзарблиги.



Ишемик инсультни олдини олиш учун сурункали бош мия қон айланиши етишмовчилиги мавжуд бўлган беморларни неврологик статусини текшириш техникаси, аҳамияти ва долзарблиги.